

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

"СУҒУРТА ИШИ" КАФЕДРАСИ

5231200-"Суғурта иши" бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун  
"Суғурта иши" фанидан курс иши ёзиш бўйича

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

ТОШКЕНТ-2014

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

"Суғурта иши" кафедраси

"Тасдиқлайман"  
Ўқув ишлари бўйича проректор  
\_\_\_\_\_ проф. А.А.Каримов

2014 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

Олий таълимининг 340000 - «Бизнес ва бошқарув» таълим соҳасидаги  
5231200- «Суғурта иши» бакалаврият таълим йўналиши талабалари учун  
"Суғурта иши" фанидан курс ишини ёзиш бўйича

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Тузувчилар: доц. И.Очилов  
к.ўқ. И.Кенжаев

Такризчилар: проф.А.Омонов.  
доц.Д.Рустамов

ТОШКЕНТ-2014

5231200-«Суғурта иши» бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун курс ишини ёзиш бўйича услубий кўрсатма.

Т.: ТМИ, 2014, \_\_\_\_ б.

Мазкур услубий кўрсатма «Суғурта иши» бакалавриат таълим йўналишида таълим олувчи талабалар курс ишини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш жараёнига услубий жиҳатдан ёрдам беради.

Давлат таълим стандартларида бакалавриат босқичи талабалари «Суғурта иши» фани бўйича қўлланилиши талаб этилган билимларга эга бўлиш ва касбий вазифани бажариш учун курс иши ёзиш белгиланган. Услубий кўрсатмада курс иши мавзуларини танлаш, адабиётлар билан танишиш, курс ишини ёзиш, уларни расмийлаштириш, ҳимоя қилиш жараёнлари батафсил баён этилган.

Тошкент молия институти «Суғурта иши» кафедраси профессор-ўқитувчиларининг йиғилишида муҳокама қилинган ва наشرга тавсия этилган

(2014 йил " \_\_ " \_\_\_\_\_ -сонли мажлис баёни).

**Кафедра мудири**

**доц. И.Очилов**

Тошкент молия институти "Суғурта" факультетининг Илмий кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқлаш учун тавсия этилган

(2014 йил " \_\_ " \_\_\_\_-сонли мажлис баёни).

**Факультет декани**

**доц. Д.Рустамов**

Тошкент молия институти Илмий Кенгаш йиғилишида кўриб чиқилган ва наشرга тавсия этилган (2014 йил " \_\_ " \_\_\_\_\_-сонли мажлис баёни).

**Кенгаш раиси**

**проф. А.Каримов**

## МУНДАРИЖА

|  | <b>Бет</b> |
|--|------------|
| <b>КИРИШ</b> .....                                     | 5          |
| 1. Мавзуни танлаш.....                                 | 6          |
| 2. Адабиётлар билан танишиш.....                       | 6          |
| 3. Курс ишини ёзиш тартиби.....                        | 7          |
| 4. Курс ишини расмийлаштиришнинг умумий талаблари..... | 11         |
| 5. Курс ишини ҳимоя қилиш.....                         | 13         |
| <b>Иловалар</b> .....                                  | 15         |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....          | 28         |

## Кириш

Давлат таълим стандартлари бўйича Тошкент молия институтида 5231200 “Суғурта иши” бакалавриат таълим йўналишидаги талабалар “Суғурта назарияси” ва “Суғурта иши” фанлари бўйича курс ишини тайёрлашлари ва ҳимоя этишлари кўзда тутилган.

Олий таълим муассасаларда “Суғурта иши” таълим йўналиши бўйича курс ишини ёзиш битирув малакавий иш бажаришдан олдинги муҳим бир тайёрланиш босқичларидан биридир.

“Суғурта иши” бакалавриат таълим йўналиши бўйича таҳсил олувчи талабалар курс ишини ёзишдан асосий мақсад қуйидагилардан иборат:

- талабаларни суғурта ишини ўрганиш учун ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, илмий ва ўқув адабиётларини излаб топиш, ўрганиб чиқиш ҳамда уларни жамлаб хулоса қилиш;
- мустақил таълим олиш фаолиятини фаоллаштириш;
- амалий материалларни иқтисодий таҳлил қилиш ва илмий хулоса бериш борасидаги малакасини ошириш;
- фактлар асосида тўғри хулоса чиқаришни ўрганиш;
- долзарб мавзуга таалукли бўлган янгиликлар, адабиётлар ва манбалардан фойдаланиш;
- битирув малакавий ишларини ёзишга тайёрлаш.

Курс ишини ёзиш ва ҳимоя қилиш жараёни қуйидаги босқичлардан иборатдир:

- мавзу танлаш;
- фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётларни излаб топиш ва уларни рўйхатини қилиш;
- керакли ҳужжатлар асосида маълумотларни тайёрлаш ва йиғиш;
- курс иши режасини тузиш;
- режага мос бўлган саволларни батафсил ўрганиш маълумотларни таҳлил қилиш;
- ўрганиш ватаҳлил натижасида олган билим ва кўникмаларини батафсил, мантиқий тўғри баён қилиш;
- курс ишида келтирилган маълумотларни кенг ва тушунарли таҳлил қилиш;
- илмий раҳбар томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш ва таклифларни эътиборга олиш;
- курс ишини тўғри расмийлаштириш;
- курс ишини ҳимоя қилиш.

## **Мавзуни танлаш**

Курс ишини ёзишда асосий масалалардан бири бу, талабалар томонидан курс иши мавзусини тўғри танлаш ҳисобланади. "Суғурта иши" фани бўйича курс иши мавзуси талабалар томонидан мавзулар рўйхатидан танланади (1-иловага қаранг).

Талабалар танлаган мавзулар бир хил бўлиб қолмаслиги лозим. Улар учун мавзу танлаш имконияти кенг бўлиши учун, тайёрланган мавзулар рўйхати курс иши ёзиши кўзда тутилган талабалар сонига нисбатан икки баробар кўп бўлиши тавсия этилади.

Курс иши мавзулар рўйхати ҳар йили кафедра томонидан янги ва долзарб муаммоларни ёритишга асос бўладиган мавзулар билан янгиланиб туриши ва ўқув йилининг 1 октябрга қадар талабаларга танишиш учун берилиши керак.

Долзарб мавзуни танлашда ўқитувчилар билан маслаҳатлашиши мумкин. Талаба курс иши мавзулар рўйхатидан мавзу танлаётганида ўзи хоҳлаган мавзуни танлаш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, талаба курс иши мавзулар рўйхатида бўлмаган, лекин суғурта иши муаммоларни очишда муҳим аҳамият касб этган мавзуларни таклиф қилиши мумкин. Мавзу танлангандан сўнг, албатта илмий раҳабар билан маслаҳатлашиб олиш керак. Ҳар бир талаба битта мавзу танлаш ҳуқуқига эга.

## **Адабиётлар билан танишиш**

Курс ишини бажаришда талаба дарслик, ўқув қўлланма, илмий-амалий журналлар, оммавий рўзномалар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва интернет сайтлари билан танишиш тавсия қилинади. Улар билан танишиш учун авваламбор Президентимизнинг шу мавзуга оид асарларини, Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ҳукумат қарорларини ва бошқа меъёрий ҳужжатларини алоҳида ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу маълумотларни "NORMA" ва "ПРАВО" каби махсус сайтлардан фойдаланган ҳолда танишиш мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси суғурта қонунлар ва махсус меъёрий ҳужжатлар тўпламидан ҳам фойдаланиш мумкин. Шунингдек, бошқа кўпгина илмий, назарий ва амалий адабиётлар билан Алишер Навоий номли давлат кутубхонаси ва Тошкент молия институтини, Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети ва бошқа кутубхоналарда ҳамда интернет сайтларида танишиш мумкин.

Талаба танлаган мавзуга мос адабиётлар билан танишиб бўлгандан сўнг, ўрганишни бошлаш керак ва ушбу мавзудаги адабиётларни йиғиб бўлиб, улардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Курс ишини ёзишда адабиётлардан фойдаланиш икки босқичга бўлинади. Биринчиси -курс иши мавзуси танлашда ва режасини тузишда адабиётларни фойдаланиш бўлса, иккинчиси-курс ишини ёзиш давомида адабиётлардан фойдаланишдир. Умуман олганда,

адабиётлардан фойдаланишнинг иккала босқичда ҳам бир-бири билан ўзаро боғланиб кетади. Чунки, мавзуни танлашда ва режани тузишда фойдаланилган адабиётлардан курс ишини ёзишда ҳам фойдаланилади.

Курс иши мавзусини танлашда ва режасини тузишда адабиётлардан фойдаланиш жуда катта аҳамият касб этади. Ушбу танланган мавзуни қанчалик долзарблиги, муаммолигини талаба албатта керакли китоб, журнал, инернет сайтлари ва бошқа манбалар орқали билиши керак бўлади. Шунингдек, ушбу мавзу бўйича режа тузишда, унинг аҳамиятлилиги, ҳуқуқий асослари етарлилиги, долзарблиги, муаммолиги ва уларни бартараф этиш мумкинлигини илмий, назарий ва амалий адабиётлардан фойдаланган ҳолда ўрганиб чиқади.

Курс ишини ёзишда эса ушбу мавзуга оид мавжуд адабиётларни чуқурроқ ўрганишга ва уларни таҳлил қилиш ҳамда улардаги мавзуга оид фикрларни солиштириш жараёнида, маълум фикрларни қўллашни ва баъзиларини инкор қилишни ҳамда мавзуга оид муаммоларни бартараф этишда қайси адабиётда келтирилган фикрлар мақсадга мувофиқ эканлигини аниқ таъкидлаб ўтиш керак бўлади. Адабиётларда келтирилган фикрларни курс ишида аниқ ва раво келтириш керак бўлади. Шунингдек, талаба курс ишида материалларни таҳлил қилишда эълон қилинган статистик маълумотлардан кенг фойдаланиш лозим. Талаба Ўзбекистон Республикаси бўйича маълумотларни статистик тўплам ва интернетнинг тегишли сайтларидан олиб фойдаланиши мумкин. Курс иши материалларини кенг таҳлил қилишда ва курс ишини маъзмунли бўлишида статистик маълумотлар катта аҳамиятга эгадир. "Суғурта иши" фанидан фойдаланиш мумкин бўлган адабиётлар рўйхатини 2-иловада кўришингиз мумкин.

### **Курс ишини ёзиш тартиби**

Курс ишининг умумий ҳажми 35-40 варақ қўл ёзмадан кам бўлмаслиги керак. Иловалар кўрсатилган ҳажмга кирмайди. Титул варағи белгиланган шакл бўйича расмийлаштирилади (3-иловага қаранг).

Ишда меъёрий ҳужжатлар ва орфографик қоидалар бўйича қабул қилинган шартли қисқартиришлар киритиш рухсат берилади. Масалан: й.-йил, йй.-йиллар, м.с.- минг сўм, млн. с. - миллион сўм, мак.-максимал ва бошқалар. Лекин "Суғурта иши" бакалавриат таълим йўналиши бўйича курс иши ёзилар экан молиявий, иқтисодий терминлар ва сўзларда жуда камдан кам қисқартма сўзлар ишлатилади. Ушбу ҳолатни инобатга олиб курс ишида қисқартма сўзларни камроқ ишлатиш тавсия берилади.

Шунингдек, баъзи бир сўз бирикмалари курс ишида қайта-қайта келиши кўзда тутилса, ушбу сўз бирикмаларини биринчи ёзилишида тўлиқ ёзиш керак ва сўз бирикмаси тугаши билан қовус очиб ушбу сўз бирикмасини қисқартма кўринишини келтириш керак. Сўнг, ушбу сўз бирикмаси қайтарилса, қисқартма кўринишини ёзиш мумкин. Масалан,

очиқ акциядорлик жамияти (ОАЖ), маъсулияти чекланган жамият (МЧЖ), қўшма корхона (ҚК) ва бошқалар.

Мундарижа курс иши тузилишини белгилаб берувчи қисм бўлиб, курс ишини бошланиш қисмида келтирилади ва унда курс иши таркибида бўлиши керак бўлган қисмлар кўрсатилади. Яъни кириш, асосий қисм саволлари, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, хулоса ва иловалар кўрсатилади.

Шундай қилиб, талаба “Ўзбекистон суғурта бозорининг ривожланиш муаммолари” мавзусида курс иши танлади.

Талаба ушбу мавзу бўйича режа тузиш учун аввалом бор ушбу мавзуга мос адабиётларни ўрганиш керак. Масалан, ушбу мавзу бўйича қуйидагича режа тузилиши мумкин (4-иловага қаранг).

Ушбу тузилган режа бўйича курс ишини ёзиш тартиби тушинтириб берилади. Кириш қисм бу, курс ишининг бошланғич қисми бўлиб, ишнинг асосий маъноси баён қилади. Унда курс иши мавзусининг долзарблиги асосланади, изланишнинг мақсади ва вазифалари, изланиш объекти, предмети ҳамда мавзунинг аҳамияти ва моҳияти бўйича тўхталади. Шу билан бирга курс иши ёзиш учун асос бўлган амалий маълумотлар манбалари акс эттирилади.

Мавзунинг долзарблиги ёритиш албатта барча илмий ишларда мажбурий талаб этилади. Мавзунинг долзарблигида муаллиф мавзунини танлаган экан, унинг илмий салоҳияти ва профессионал тайёргарлиги албатта бу мавзунини маъносини тушиниб етиши ва уни замон талабига мослиги ҳамда ижтимоий муҳимлигини баҳолай олиши керак. Долзарбликни ёритишда асоссиз гаплар ёзилмаслиги керак. Мавзунинг долзарблигининг асосий омилларини тўлиқ бир бетда кўрсатиш етарли бўлади.

Мавзунинг долзарблигини асослашда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарларидан, маърузаларидан ва етук иқтисодчи олимлар асарларидан мавзуга тегишли бўлган фикрларни келтириш мумкин.

Долзарблиги очиб берилгандан сўнг, тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиқиб, ушбу мақсадга эришиш учун аниқ вазифаларни (3-5 та вазифаларни) ҳал қилиб олиш керак бўлади.

Булар одатда қуйидача ифодаланади:

- ўрганиш;
- очиш;
- тасвирлаш;
- белгилаш;
- аниқлаш;
- услубий ишлаб чиқиш;



- тайёрлаш.

Ифодаланган бу вазифаларни чуқурроқ таҳлил қилиб ёзиш керак.

Курс ишининг объекти ва предмети кириш қисмининг муҳим элементи эканлигини ифодалайди.

Юқорида келтириб ўтилган мавзудан келиб чиқиб, тадқиқот объектни аниқлайдиган бўлсак, тадқиқот объектни - бу Ўзбекистон миллий суғурта бозорида суғурта хизматини кўрсатаётган барча суғурта компаниялари фаолияти ҳисобланади. Предмети бўлиб, суғурта ташкилотларнинг суғурта фаолиятидаги муносабатларидир.

Шунингдек, тадқиқотнинг услубий кўрсатмаси кириш қисмида муҳим элементлардан бири бўлиб, қайсики амалий материалларни таҳлил қилишда ва ишнинг асосий мақсадни очиб беришда хизмат қилади. Шу билан бирга, маҳаллий ва хорижий олимларнинг ушбу мавзу бўйича олиб борган ишларини кўрсатиш керак. Кириш қисмини кўпи билан 2-3 варақ ҳажмда ёзиш тавсия этилади.

Кириш қисмдан сўнг, асосий қисм келади, яъни у бир нечта саволлардан иборат бўлиб, бунда асосан ушбу мавзунинг асосий моҳияти тўлиқ батафсил очиб берилди.

**Асосий қисмда** ишнинг ҳамма саволлари очиб берилди. Аввало, танланган мавзунинг иқтисодий-ижтимоий моҳияти, аҳамияти, суғурта бозори ҳақида тушунча, суғурта бозорини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари, суғурта бозоридаги асосий кўрсаткичлар таҳлилий ўрганилади. Шу билан бир қаторда мавзу бўйича мавжуд муаммолар аниқланади ва уларни бартарф этиш йўллари тавсиялар ишлаб чиқилади.

Курс ишининг ҳар бир бўлими мувофиқ асослар, қарорлар ва хулосалар билан ёритилади. Курс ишида, илгари бажарилган мустақил ишларнинг натижалари ёки бошқа муаллифларнинг (илмий маърузалар ва мақолалари, ҳисоб-графика ишлари, ва лойиҳалари, албатта, номлари кўрсатилган ҳолда) ишлари акс этирилиши ёки улардан фойдаланиш мумкин.

**Биринчи саволда** мавзунинг назарий жиҳатлари ёритилади. Мавзунинг мазмуни, моҳияти, аҳамиятини ёритилади. Яъни турли иқтисодий мактаблар вакиллари бўлган иқтисодчи олимлар асарларининг қиёсий таҳлили амалга оширилиши, даврий нашрларда чоп этилган илмий мақолалардан фойдаланилиши, мавзуга оид асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмаларида келтирилган назарий фикрларнинг қиёсий таҳлили амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, суғурта бозори ҳақида тушунчалар ёритилади. Бунда мавзунинг ҳуқуқий асосларини ҳам очиб берилиш мумкин. Суғурта бозорини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ўрганилиб, бунада Ўзбекистон Республикаси қонун тизимида суғурта муносабатларини тартибга солувчи қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва суғурта назорати идорасининг қонун ости

хужжатлари, қарорлари, Халқаро амалиётда қўлланувчи умумий меъёрлар, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг бандлари ўрганилади. Ушбу саволини кўпи билан 8-10 варақ ҳажмда ёзиш тавсия этилади.

**Иккинчи саволда** мавзуга оид амалиёт ҳолати таҳлилини амалга ошириш ва таҳлил натижаларига асосланган ҳолда тегишли хулосалар шакллантиришдан иборатдир. Бунда жадваллар, диаграммалар, расмлар шаклида амалиёт маълумотларидан кенг фойдаланиш, уларни батафсил таҳлил этиш талаб этилади. Таҳлил жараёнида даврий нашрларда чоп этилган илмий мақолаларга, ҳукумат идораларининг расмий интернет сайтларида келтирилган маълумотларга, малакавий амалиёт давомида тўпланган амалиёт маълумотларига асосланиш тавсия этилади. Ҳар бир жадвал, диаграмма ва расмларнинг манбалари аниқ кўрсатилиши талаб этилади. Хусусан, суғурта бозорини ҳудудий жойлашуви бўйича турлари, ишлаш тартиби, суғурталовчилар томонидан суғурта бозорида кўрсатиладиган суғурта хизматлари ва унга мувофиқ тўрланган суғурта мукофотлари ҳамда тўланган суғурта қопламалари, иқтисодий маълумотларининг динамик ўзгаришлари ва шунга ўхшаш бошқа масалалар атрофлича ўрганилади. Суғурта бозорини характерловчи иқтисодий маълумотлар динамикасини ўрганишда камида 3-4 йиллик маълумотлар таҳлил қилинади. Ушбу саволини кўпи билан 10-12 варақ ҳажмда ёзиш тавсия этилади.

**Учинчи саволда** мавзуга оид муаммолар юзасидан замонавий асарларда тадқиқ этилаётган мавзунини такомиллаштириш ва ривожлантириш юзасидан билдирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, уларга нисбатан талабанинг мустақил фикрларини билдириш ва илғор хорижий тажрибаларни баён этиш ва уларни мамлакатимизда қўллаш имкониятлари бўйича таклифлар киритиш талаб этилади. Яъни, суғурта бозорини ривожланишига таъсир этувчи омиллар ва мавжуд муаммолар атрофлича баён қилинади. Талаба муаммоларни аниқлаш билан бир вақтда уларни бартараф этиш борасида шахсий таклифларини келтиради. Ушбу саволни кўпи билан 9-10 варақ ҳажмда ёзиш тавсия этилади.

**Хулоса қисмида** мавзунини ўрганиш давомида талаба томонидан амалга оширилган таҳлил жараёнида шакллантирилган хулосалар акс эттирилади. Мавзуга оид замонавий асарларда баён этилган тадқиқ этилаётган мавзунини такомиллаштириш юзасидан таклифлар келтириб, шунга асосан талаба ўз фикрини баён этади. Хулоса қисмини кўпи билан 2-3 варақ ҳажмда ёзиш тавсия этилади.

**Фойдаланилган адабиётлар** қисмида дарслик, ўқув қўлланма, услубий қўлланма, журнал, илмий мақола ва тезислар тўплами, ҳукукий меъерий хужжатлар ва интернет сайтларининг асосий маълумот кўрсаткичлари (чоп қилинган жойи ва йили, нашириёт ва бошқалар) рўйхати билдирилади. Барча илмий ишларда, шунингдек, курс ишида ҳам

фойдаланилган маълумотлар манбаи ва адабиётлар рўйхатини келтириш мажбурий шартлардан биридир (2-иловага қаранг). Фойдаланилган адабиётлар қисмини кўпи билан 2-3 варақ ҳажмда келтириш тавсия этилади.

### **Курс ишини расмийлаштиришнинг умумий талаблари**

Курс иши берилган топшириқ асосида шахсан талаба томонидан бажарилади. Талаба танланган қарорнинг тўғрилигига ва унинг топшириққа мувофиқлигига, курс ишида кўчирмачилик ҳолатининг йўқлигига жавоб беради.

Курс иши таълим стандартларида талаб этилганидек, тартибли расмийлаштирилган ва хатосиз, аниқ ва тушунарли тилда ёзилган бўлиши керак. Курс иши ёзишда тўзилган матнда "мен" сўзи ўрнига "биз" сўзини ёзиш тавсия этилади.

Курс иши кўл ёзма тарзида расмийлаштирилган бўлиши шарт. Курс иши А4 ўлчамдаги оқ қоғозда, кўк рангли ручкала ёзилиши тавсия қилинади, бошқа ранг ручкаларни ишлатишга йўл қўйилмайди. Бўлимлар, жадваллар, расмлар рақамини ва номларини ҳам бошқа рангли ручкада ёзишга йўл қўйилмайди. Ишда келтирилувчи жадваллар, диаграммалар, расмлар компьютерда тайёрланиб, принтерда чоп этилган (қоғоз А4 (210\*297мм) шаклда) ҳолда киритилиши мумкин. Курс ишини фақат айрим ҳолларда компьютерда тайёрланишига рухсат берилади. Курс ишида тузатилишларга рухсат берилмайди.

Кафедранинг тавсиясига биноан курс иши чет (инглиз, немис ёки француз) тилида бажарилиши мумкин. Чет тилда бажарилган ишга давлат тилидаги аннотация илова этилади ва ҳимоя вақтида таржима таъминланади.

Курс ишини ёзишда варақнинг чап тарафида 3 см, пастда 2 см, тепада 2 см, унга 1 см жой қолдириш тавсия қилинади, (5-иловага қаранг) бунда бир варақда 28-30 қатор бўлиши зарур. Варақ тагига йўл-йўл қоғоз ("зебра") қўйиб ёзилади, варақнинг ўзига матн ёзиш учун тўғри чизиқлар чизиш ёки принтерда чизиқлар чоп этилган варақларга ёзишга йўл қўйилмайди. Курс ишининг барча бетлари титул бетидан охириги бетигача тартиб билан рақамланади. Биринчи бет титул варағи ҳисобланиб, унга рақам қўйилмайди, кейинги бетга "2" рақами қўйилади ва ҳоказо. Тартиб рақами бетнинг пастки томонининг ўртасига қўйилади.

Қисмларнинг номланиши бош ҳарф билан ёзилади. Қисм ичидаги номланишлар хатбошидан кичик ҳарфлар билан ёзилади. Асосий қисм ичидаги саволларни сарлавҳаларини ёзишда бўғин кўчиришга рухсат берилмайди. Сарлавҳа охирида нукта қўйилмайди. Сарлавҳани тагига чизиб ёзишга рухсат этилмайди. Ҳар бир сарлавҳадан олдин араб рақами билан рақамлар қўйилади ва рақамдан сўнг нукта қўйилади. Агарда

савол ичида саволлар келтирилса, масалан, биринчи савол ичида битта савол "1.1.", иккита савол бўлса "1.2." шаклда ёзилади.

Кириш, хулоса, фойдаланилган адабиётлар бошланишида рақам қўйилмайди. Курс ишининг ҳар бир қисми янги бетдан бошланади. Кириш, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва асосий қисм саволлари бир хилда варақни юқори қисмининг ўртасида ёзиш тавсия этилади.

Иллюстрация (суръат)ларни қуриш учун қулай тарзда жойлаштирилиши керак. Агар курс ишини буриш лозим бўлса, уни соат стрелкаси бўйлаб буриш керак (6-иловага қаранг). Барча суръат (график, чизма, диаграмма, фотосурат)лар, "расм" сўзи ва бўлим бўйича кетма-кет араб рақамлари билан белгиланади. Иловаларда келтирилган суръатлар бундан мустасно. Суръат рақами бўлим ва суръат рақамидан иборат бўлиб, нуқта билан ажратилади, масалан "1.2-расм" ва изоҳ берувчи ёзувдан пастга ёзилади.

Рақамли материаллар жадвал кўринишида расмийлаштирилиши лозим. Жадвални расмийлаштириш намунаси 7-иловада кўрсатилган. Ҳар бир жадвал сарлавҳага эга бўлиши керак. Сарлавҳа бош ҳарф билан бошланади. Сарлавахани остига чизилмайди.

Жадвал сарлавҳаси жадвал юқорисида ўртада ёзилиши тавсия этилади. Жадвал графаларининг сарлавҳалари бош ҳарфлар билан, сарлавҳачалар эса, агар улар сарлавҳа билан битта гапни ташкил этса, кичик ҳарфлар билан, агар улар мустақил бўлса, катта ҳарфлар билан бошланиши керак. Жадвал бош қисмини диоганал бўйича бўлиш мумкин эмас.

Кўплаб графаларга эга бўлган жадвални қисмларга бўлиш ва бир қисмни иккинчи қисмдан кейин жойлаштиришга рухсат этилади.

Бўлимлар доирасидаги жадваллар изчил, кетма-кет араб рақамлари билан белгиланади. Масалан: "1-жадвал", "2-жавдал" ва ҳ.

Агар курс ишида битта жадвал бўлса, у рақамланмайди ва "жадвал" сўзи ёзилмайди.

Жадвалнинг бирор қисми бошқа бетга ўтганда, "жадвал" сўзи ва унинг тартиб рақами бир марта жадвалнинг биринчи қисми устида кўрсатилиб, қолган қисмлар устига "давоми" деган сўз ёзилади.

Матндаги манбаларга ҳавола("сноска")ларни сатр ости эслатмаларида келтириш лозим. Ҳавола ҳар бир бетда араб рақамида кетма-кет тартиб билан келтирилиши лозим. Кейинги бетда эса яна бошидан тартиб билан илова қуйилиши тавсия қилинади.

Ҳаволаларни келтириш тартиблари:

- ҳужжат ва таърифни тасдиқлаш учун иқтибос келтирганда;
- замонавий адабиётлар ва бирламчи манбалар бўйича иқтибос келтирганда;

- адабиётлардан ва бошқа манбалардан бирор муаммо, хулоса ёки таклифлардан иқтибос келтирганда;
- давлат арбоблари, олимлар ва мутахассислар фикрларидан иқтибос келтирганда;
- статистик маълумотлар ва тўпламлардан иқтибос келтирганда;
- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан иқтибос келтирганда;
- бир бетда иложи борича 3 тадан кўп иқтибос келтириш тавсия қилинмайди;
- ва бошқа ҳолатларда.

Иллюстрацияларга қилинган ҳаволалар сарлавҳанинг охириги сўзига қуйилади (7-иловага қаранг). Матнда барча жадвалларга ҳавола берилиши керак.

Ҳар бир илова янги бетнинг ўнг юқори бурчагида "Илова" сўзи билан бошланади. Агар курс ишида биттадан кўп илова бўлса, улар кетма-кет араб рақамлари билан белгиланади. Масалан, "1-илова", "2-илова" ва х.

Иловаларни алоҳида расмийлаштирганда, титул varaғида курс иши мавзусининг номи остида катта ҳарфлар билан "иловалар" сўзи ёзилади.

Курс ишида фойдаланилган адабиётлар рўйхатини 2-иловага мувофик расмийлаштирилади. Курс иши мавзуси бўйича асосан сўнгги 5 йил ичида нашр қилинган адабиётлардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Курс ишини ҳимоя қилиш жараёни**

Деканат томонидан кафедра билан келишилган ҳолда курс ишларини топшириш ва ҳимоя қилиш режа жадвали ишлаб чиқилади ва курс ишини топшириш ва ҳимоя қилиш муддатлари кафедра мудирини томонидан ўрантилган тартибда амалга оширилади.

Талаба тайёр бўлган курс ишини кафедра котибасига топширади. Котиба ушбу курс ишини рўйхатга олиш китобида рўйхатдан ўтказиб, курс иши титул varaғига рўйхатдан ўтказилган сана ва рўйхат тартиб рақамини ёзади. Сўнг илмий раҳбарга топширади. Илмий раҳбар курс ишини рўйхатдан ўтган санадан бошлаб бир ҳафта ичида, илмий раҳбар курс иши талаб даражасида бажарилганлигига ишонч билдиргандан сўнг, ишни ўз тақризи (8-иловага қаранг) билан бирга кафедрага тақдим этади. Илмий раҳбар томонидан тақдим қилинган тақризда талабанинг фаоллиги, мавзунинг долзарблиги, мақсади ва вазифаси, қабул қилинган қарорлардаги янгиликлари, келтирилган маълумотларни таҳлили, чиқарилган хулоса ва таклифларнинг асослиги ва курс ишининг бошқа ижобий томонлари тавсифланади. Шу билан бирга, хато ва камчиликлари ҳам кўрсатилади. Натижада, тақриз охирида хулоса қилинади, яъни курс иши ҳимоя қўйилиши ёки қўйилмаслиги кўрсатиб ўтилади.

Курс ишида қўпол бўлмаган хато камчиликлар бўлса, ҳимояга тавсия этилган бўлса, талаба курс ишида кўрсатилган хато камчиликларни асослаш ёки тўғрилаш учун курс иши

ҳимоясигача тайёрланиш керак. Агарда курс ишида хато камчиликлар кўп бўлса, уларни бартараф этгандан сўнг, ҳимояга тавсия этишиши кўрсатилган бўлса, у ҳолда хато камчиликлар бартараф этилгандан сўнг, иккинчи марта яна ҳимояга тавсия этиш тақриз ёзилади.

Агарда талаба сабабсиз равишда курс ишини ўз вақтида топширмаса, камчиликлар тўлиқ бартараф этилмаса у ҳолда илмий раҳбар курс иши ҳимояга қўйилмайди деб ёзиб хулоса беради.

Котиба тақриз ёзилган курс ишини топширилган кун билан рўйхатдан ўтказиб қўйиш керак. Курс ишиларини рўйхатга олиш китобида ҳар бир гуруҳларни алоҳида бетда расмийлаштириш тавсия этилади.

Курс ишини ҳимоя қилиш куни ва ҳимояда қатнашувчи комиссия таркиби кафедра мажлисида белгилаб берилади. Курс иши ҳимоясида қатнашувчи комиссия таркиби 3-5 та аъзодан иборат бўлади. Курс ишини ҳимоясида албатта комиссия таркибидан камида 3 та аъзоси бўлиши талаб этилади.

Ҳар бир талаба учун курс иши ҳимояси 20-25 минут (10-15 минутгача талаба маърузаси, 5-10 минутгача савол-жавоб) давом этади. Талаб маърузасида қисқача мавзу тўғрисида тушунча бериши, яъни мавзунинг долзарблиги, муаммоси, хулоса ва таклиф ҳақида тўхталиши керак. Шунингдек, тақризда кўрсатилган камчиликлар ҳақида тўхталиш керак.

Ҳимоядан сўнг, комиссия аъзолари ёпиқ мажлис ўтказиб, талабаларнинг ишини баҳолаш қарорини қабул қилади.

Комиссия аъзолари қуйдагича қарорини қабул қилиши мумкин:

- курс ишини ҳимоя қилганлигини билдирувчи баҳо қўйилиши мумкин;
- ҳимояга киритилмаган бўлиши мумкин;
- ҳимояга келмади бўлиши мумкин;
- ҳимояда қониқарсиз баҳо олган бўлиши мумкин;
- қайта ҳимоя қилиш учун муддат бериши мумкин;
- бошқа мавзуда қайта ишлаб ҳимоя қилиш тавсия қилиниши мумкин.

Узрли сабаб билан курс ишини белгиланган муддатда ҳимоя қилмаган талабаларга деканнинг рухсати билан, комиссиясининг иши якунланишига қадар, бошқа муддатларда ҳимоя қилишга рухсат берилади.

**«Суғурта иши» фанидан курс ишлари мавзулари**

1. Автотранспорт суғуртаси.
2. Суғурта фаолиятининг ривожланиши ҳамда унга талаб ва таклиф механизмининг таъсири.
3. Суғурта рисклари ва уларни суғурталаш бўйича стратегияни ишлаб чиқиш.
4. Ўзбекистонда суғурта фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши.
5. Ўзбекистонда тиббий суғуртани ташкил этилиши.
6. Суғурта қилиш шартлари ва уларга қўйиладиган талаблар.
7. Суғурта класслари бўйича суғурталашни самарали ташкил этиш йўллари.
8. Суғурта фаолиятини солиққа тортиш ва уни такомиллаштириш.
9. АҚШ суғурта тизими ва уни давлат томонидан тартибга солиниши.
10. Мажбурий суғурта ва уни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.
11. Ўзбекистон суғурта бозорида қайта суғурталашни ташкил этиш.
12. Корхоналарга тегишли мол-мулкни суғуртаси.
13. Сиёсий рисклар ва инвестицияларни суғурталашда унинг аҳамияти.
14. Суғуртада маркетингни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.
15. Транспорт суғуртаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
16. Қайта суғурта қилишнинг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва зарурлиги.
17. Актуар ҳисоб-китобларнинг зарурлиги, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари.
18. Халқаро “Яшил карта” тизими ва унинг мазмуни.
19. Йўловчиларни мажбурий суғуртаси ва уни ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари.
20. Шахсий суғуртанинг зарурлиги, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари.
21. Суғурта хизматларининг тариф ставкаларини белгилашда актуар ҳисоб-китобларнинг аҳамияти.
22. Суғурта хизматларининг тариф ставкаларини структураси ва уни шакллантириш.
23. Ҳаёт суғуртасининг иқтисодий мазмуни ва таркиби.
24. Суғурта тармоқлари ва уларни тартибга солиш.
25. Умумий суғурта ва унинг суғурта муносабатларида ўрни.
26. Суғурта бизнесининг ўзига хос хусусиятлари.
27. Ўзбекистон суғурта бозорида ихтиёрий суғуртанинг ўрни.
28. Тадбиркорлик рискларини суғурталаш.
29. Япония суғурта тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
30. Буюк Британияда суғурта тизимининг шаклланиши ва ривожланиши.

31. Суғурта ташкилотларининг молиявий натижасини шакллантириш.
32. Жавобгарлик суғуртасининг зарурлиги, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари.
33. Суғурта муносабатларининг ҳуқуқий асослари.
34. Суғуртанинг ташкилий- ҳуқуқий асослари.
35. Риск гуруҳлари ва уларни бошқариш усуллари.
36. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ва уларнинг аҳамияти.
37. Суғурта фаолиятини лицензиялаш ва унинг зарурлиги.
38. Суғурта заҳиралари ва уларни шакллантириш.
39. Экспорт-импорт оперцияларини суғурта қилиш.
40. Суғурта агентлари ва брокерларининг суғурта муносабатларидаги ўрни.
41. Суғурта ҳодисалари ва уларни олдини олиш.



## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. 1996 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
2. “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2008 йил 21 апрель.
3. “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2009 йил 16 апрель.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Суғурта фаолияти тўғрисида». 2002 йил 28 май (Ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
5. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни.// [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz).

### II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2006—2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-618-сон Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-872-сонли қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғуртачиларнинг молиявий барқарорлигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 31

майдаги ПҚ-1544-сон Қарори

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 141-сонли қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари**

14. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

15. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009.- 24 б.

16. Каримов И. А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011й.-528 бет.

17. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.//Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

### **IV. Асосий адабиётлар**

18. 19. Годин А.М., Фрумина С.В. Страхование: учебник. – М.: изд-во «Дашков и К», 2009. – 480 стр.

19. Страхование: учебник/Под ред. Проф. Т.А.Федоровой. – СПб.:Магистр , 2008.-768 с.

20. Страхование: учебник для студентов, обучающихся по специальностям «Финансы и кредит», «Бухгалтерский учет, анализ и аудит». Под.ред.В.В.Шахова. – М.: изд-во «ЮНИТИ-ДАНА», 2009. – 511 стр.

21. Ochilov I., Sultonov D. Sug'urta hisobi va hisoboti. O'quv qo'llanma. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2010y. – 224 bet.

22. Суғурта агентлари учун қўлланма. – Т.: “PRINTXPRESS ”, 2010 й. – 208 бет.

23. Самарова Е. Страховая математика: практический курс. Учебное пособие. – М.:

“ИНФРА–М ”, 2009 г.– 80 стр.

24. Страхование. Учебник / под ред. Т.А.Федоровой. – М.: “Магистр ”, 2009 г. – 1006 стр.

25. Рыбин В. Основы страхования. Учебное пособие.–М.:“КНОРУС ”, 2010 г.– 240 стр.

26. Никулина Н. Страховой маркетинг. Учебной пособие.–М.:“ЮНИТИ–ДАНА”,2009 г. – 503 стр.

27. Никулина Н. Страхование. Учебное пособие. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА”, 2008 г. – 511 стр.

28. Сербиновский Б. Страхование дело. Учебное пособие. – Ростов н/Д: “Феникс ”, 2010 г. – 476 стр.

29. Страхование: экономика, организация, управление. Учебник. – М.: “Экономика”, 2010 г. - 751 стр.

30. Страхование: учебник для студентов, Обучающихся по специальностям “Финансы и кредит”, “Бухгалтерский учет, анализ и аудит” / под. ред.В.В.Шахова, Ю.Т. Ахвледиани. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА”, 2010 г.- 511 стр.

#### **V. Қўшимча адабиётлар**

31. Гаврилова С. Страхование: Учебное пособие. – М.: “Эксмо”, 2010 г. – 304 стр.

32. Галаганов В. Основы страхования и страхового дела: учебное пособие. – М.: “КНОРУС ”, 2010 г. – 224 стр.

33. Денисова И. Страхование. Учебник. – М.: ИКЦ “МарТ ”, 2009 г. - 240 стр.

34. Игошин Н. Страхование право. Учебное пособие. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА”, - 2010 г. – 167 стр.

35. Короткова Ю.Е. Краткий курс по страхованию. Учебное пособие. – М.: Изд. “Окей – книга ”, 2010 г. – 176 стр.

36. Кузнецова И. Страхование жизни имущества граждан. Практическое пособие. – М.: “Дашков и К ”, 2010 г. – 228 стр.

#### **VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар**

37. Анализ рынка ОСГО Узбекистана за 2009 год.//Бизнес-вестник Востока, 28 января 2010 года №5 (1218), стр.14-15.

38. Большинство страховых претензий удовлетворяется. – Бизнес-вестник Востока, 26 января 2010 года №4 (1217), стр.14.

39. Гребенщиков Э.С. Финансовый кризис в мире: последствия и уроки для страхового бизнеса, регуляторов и страхователей// Финансы, №3 2009 г. с.53-54.

40. Икромов О.Г., Гайбуллаев Б. Ремни финансовой безопасности (обзор страхового

- рынка – 2008)// Экономическое обозрение, №5-6, 2009 г. С.86-91.
41. Икромов О.Г. Страхование: вчера, сегодня, завтра// Народное слово, 3 июля 2009 г. С.1-2.
42. Имамов Ш.Б. Страхование как средство против кризиса// Народное слово, 5 августа 2009 г. С.1-2.
43. Итоги страхового рынка за I полугодие 2009 г.//Бизнес-вестник Востока, №54 2009 г., с.12.
44. Обзор страхового рынка Узбекистана по итогам 2010 года//Бизнес-вестник Востока, №3-4/1 13 января 2011 года. стр.8.
45. Узагросугурта”: страховая защита по всему Узбекистану//Бизнес-вестник Востока, №30, 14 апреля 2011 г. – стр.5.
46. Узбекинвест”: стратегия успешного бизнеса//Бизнес-вестник Востока, №32, 21 апреля 2011 г. –стр.7.
47. Страховая компания “Кафолат”: 14 лет успешного роста// Бизнес-вестник Востока, №29 12 апреля 2011 г. –стр.4.
48. Мажбурий суғурта афзалликлари//Халқ сўзи, 2009 йил 25 апрель.
49. Фонд ОСГО подвел предварительные итоги за 2009 год. //Бизнес-вестник Востока, 26 января 2010 года №4 (1217), стр.14.
50. Икромов О.Г., Шеннаев Х.М. Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозори: ривожланиш тенденциялари ва истикболлари.// “Молия” журнали, 2008 йил 1-сон.
51. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
52. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.
53. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

## **VII. Интернет сайтлари**

54. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги).
55. <http://www.UzReport.com> (“SAIPRO” ахборот-рейтинг агентлиги).
56. <http://www.agros.uz> (“Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компанияси).
57. <http://www.uzbekinvest.uz> (“Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси).
58. <http://www.kafolat.uz> (“Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компанияси).
59. <http://www.alfainvest.uz> (“Альфа инвест” суғурта компанияси).
60. <http://www.alskom.uz> (“Алском” суғурта компанияси).
61. <http://www.kapitalsugurta.uz> (“Капитал суғурта” суғурта компанияси).

62. <http://www.allinsurance.ru> (Россия Федерациясининг суғурта бўйича сайти).
63. [http:// www.expert.ru](http://www.expert.ru) (Россия Федерацияси рейтинг компанияси).
64. <http://www.ankil.ru> (Россия Федерациясининг консалтинг фирмаси).
65. <http://www.znay.ru> (Россия Федерациясининг суғурта сайти).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

«Суғурта иши» кафедраси

"Суғурта иши" фанидан

Мавзу: Ўзбекистон суғурта бозорининг ривожланиш муаммолари

# КУРС ИШИ

**Бажарди:** 4- курс талабаси СС-90  
гурухи Х.Абдуллаев

**Илмий раҳбар:** к.ўқ И.Кенжаев

## **РЕЖА**

### **Кириш**

#### **Асосий қисм:**

1. Суғурта бозори ҳақида тушунча
2. Суғурта бозори фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари
3. Ўзбекистон суғурта бозорини ривожланишига таъсир этувчи омиллар ва уни бартараф этиш йўллари

### **Хулоса**

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

Ёки ушбу мавзу бўйича қуйидагича мундарижа ҳам тузиш мумкин:

## **РЕЖА**

### **Кириш**


#### **Асосий қисм:**

1. Суғурта бозорининг иқтисодий моҳияти ва мазмуни
2. Суғурта бозорини ҳудудий жойлашувчи бўйича турлари ва уларга тавсиф
3. Суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш
4. Суғурта бозорини ривожланишига доир тавсиялар

### **Хулоса**

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Чап-3см, паст-2см, юқори-2см, ўнг-1см





| <b>2- жаадвал</b>  |                     |                 |                 |                 |                 |                 |
|--|---------------------|-----------------|-----------------|-----------------|-----------------|-----------------|
| <b>2009-2013 йилларда Ўзбекистон Республикаси Суғурта бозорида суғурта олинган мукофотлари</b> |                     |                 |                 |                 |                 |                 |
| <b>бўйича маълумот, минг сўм ҳисобида</b>  |                     |                 |                 |                 |                 |                 |
| <b>№</b>   | <b>Кўрсаткичлар</b> | <b>2009 йил</b> | <b>2010 йил</b> | <b>2011 йил</b> | <b>2012 йил</b> | <b>2013 йил</b> |
|  |                     |                 |                 |                 |                 |                 |

2014 йилда Ўзбекистон суғурта бозорининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида  
маълумот<sup>1</sup>

| № | Кўрсаткичлар                   | Ишлаб топилган даромади, минг сўм ҳисобида | Ишлаб топилмаган даромади, минг сўм ҳисобида |
|---|--------------------------------|--|--|
| 1 | Йиғилган суғурта мукофотлари   |  |  |
| 2 | Қопланган суғурта копланмалари |  |  |
| 3 | Ва бошқа молиявий кўрсаткичлар |  |  |

Изоҳ. Манба: бирор адабиётдан олинганлиги ёки муаллиф томонидан кўрстилиши керак.

---

<sup>1</sup> Давлат суғурта назорати инспекциясининг расмий ҳисоботи асосида тузилди.

**Тошкент молия институти “Суғурта” факультети, СС-90-гурухи талабаси  
Абдуллаев Х. "Ўзбекистон суғурта бозорини ривожланиш муаммолари " мавзусида  
ёзилган курс ишига**

**ТАҚРИЗ**

Ушбу курс иши кириш, уч савол, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, биринчи саволда суғурта бозорининг иқтисодий моҳияти, назарий асослари, иккинчи саволда суғурта бозорини ҳудудий жойлашуви бўйича турлари ва уларга тавсиф берилган.

Бундан ташқари, суғурта бозорининг асосий кўрсаткичлар динамик ўзгаришлари охириги беш йил учун ўрганилган. Учинчи саволда суғурта бозорини ривожланиш муаммолари аниқланиб, уларни ҳал қилиш бўйича талаба ўз таклифларини келтирган.

Курс иши 40 варақ ҳажмида ёзилган, унда 3 та чизма, маълумотлар 3 та жадвалларда келтирилган, маълумотларнинг кенг таҳлили амалга оширилган ва 50 номдаги адабиётлар рўйхати келтирилган, унда замонавий дарсликларни, ўқув қўллаималарини, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларини, корхона ҳисоботларини ва кўпчилик томонидан кенг фойдаланилаётган интернет сайтларини ўз ичига олади.

Курс ишида куйидаги камчиликлар мавжуд:

- 20,25 бетларда келтирилган маълумотлар манбааси кўрсатилмаган;
- бешинчи саволда келтирилган жадвалда ўлчов бирлиги (минг сўм ҳисобида) кўрсатилмаган.

Ушбу камчиликлар курс ишининг мазмунига таъсир этмайди. Курс иши талаб даражасида ёзилган деб айтиш мумкин. Юқорида кўрсатилган камчиликларни келугси тадқиқот ишларида такрорланишига йўл қўймайди деб ўйлайман ва ушбу курс ишини ҳимояга тавсия этиш мумкин.

**Илмий раҳбар:**

**к.ўқ. И.Кенжаев**

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 19 августдаги "Таълим тугрисида"ти 464-1-сонли Қонуни
2. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги Қонуни билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастури" Қонуни
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5-сонли Қарорининг 1-илоvasи "Давлат таълим стандартлари тўғрисида"ги Низом
4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 1998 йил 31 декабр 362-сонли Буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низом" ва "Олий ўқув юртларида бакалаврнинг битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талаблар".
6. Н.Хайдаров. "Молия" фанидан курс ишини бажариш бўйича услубий кўрсатма. Тошкент, Иқтисод, 1995 й.
8. Т.Жураев ва Х-Хакимов. "Иқтисодиёт назарияси" фанидан курс ишини бажариш бўйича услубий қўлланма. Тошкент, ТМИ, 2005 й.